

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 17 февраль, № 36 (8098)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали скенер қилинг.



ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 февраль куни чорвачилик соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, бу соҳа оилалар фаровонлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта ўрин тутади. Аҳолининг кундалик истеъмол харажатларининг 30 фоизини гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари ташкил этади.

Охириги уч йилда чорвачилик бўйича чиқарилган қарорларга асосан, 8 турдаги субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратиш йўлга қўйилди. Шу даврда чорвачиликка 15 триллион сўмдан зиёд кредит ажратилиб, 4 минг 500 га яқин лойиҳалар амалга оширилди. Наслчилик хўжалиқларининг сони 3 баравар кўпайиб, 1 минг 414 тага етди. Натижада 2019 — 2021 йилларда чорва молларининг бош сони 1 миллион 200 мингга кўпайди.

Лекин климат ўзгаришлари, сув ва ер танқислиги, пандемия каби замонамизнинг долзарб муаммолари чорвачиликни ҳам қийинлаштирмоқда.

Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида йирик чорвачилик хўжалиқлари сони бошқа ҳудудларга нисбатан анча кам. 90 фоиз чорва хонадонларида боқилсада, кўп жойларда озуқа-ем таъминоти тизими йўқ. Сўнгги 15 йилда озуқа ер майдони

430 минг гектардан 340 минг гектарга, бир бош қорамолга тўғри келадиган озуқа майдони 50 сотихдан 27 сотихга камайган. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарёда такрорий озуқабоп экин майдонлари 23 минг гектарга қисқарган.

Шу боис чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш, ресурс тежовчи технологияларни кенг қўллаш орқали гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлмоқда.

Йиғилишда шу борадаги долзарб масалалар, имкониятлар таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу йил чорвачиликда камидан 300 минг, қўй-эчкиликда 150 минг, пиллачиликда 1 миллион 200 минг, жами 1 миллион 650 минг аҳоли бандлигини таъминлаш имкони борлигини таъкидлади.

Бунинг учун, аввало, хонадонларда кооперация орқали чорвани кўпайтириш керак. Юртимизда бу соҳада яхши тажрибалар мўл. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида “Тошматов Нормўмин” фермер хўжалиги Вори қишлоғидаги хонадонларга қорамол, қўй-эчки тарқатиб, улар етиштирган сут ва гўштни сотиб ол-

моқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош туманидаги “Тахياتош Чикенс” корхонаси хонадонларга хонамаки парранда бериб, улардан инкубацион тухум сотиб олишни йўлга қўйган.

Президент бундай тажрибаларни бошқа туман ва маҳалаларда ҳам кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу мақсадда қатор молиявий кўмак чоралари белгиланди. Яъни жорий йил февралдан бошлаб, хорижий кредитлар 10 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан ажратилади, кредит фоизининг 14 фоиздан юқори қисмига компенсация ҳамда кредит суммасининг 50 фоизига кафилик берилади, гидропоника усулида озуқа етиштириш учун ускуналар харажати 20 фоизи қопланади.

Соҳадаги яна бир даромадли йўналиш — оч рангли қўй-эчкилар жундан гилам, мато ва бошқа маҳсулотлар тўқиб сотиш. Йиғилишда Ангрен шаҳри, Косон, Ромитан, Навбахор туманларидаги шундай ишлар намуна қилиб кўрсатиб ўтилди.

Шу ойдан бошлаб, насли қўй ва эчки харид қилиш, сут, гўшт ва жунни қайта ишлаш ҳамда ем тайёрлаш цехлари

ташкил этиш учун имтиёзли давр билан кредитлар ажратилади бўлди. Бу кредитлар аҳолига ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида, 50 миллион сўмгача гаров таъминотисиз ажратилади, кредит фоизининг ярмини қоплашга компенсация берилади.

Аҳолига кооперация асосида 350 минг бош қўй ва эчки тарқатилиши, бу мақсадлар учун 100 миллион доллар йўналтирилиши маълум қилинди.

Бу йил соҳада 123 та йирик лойиҳа режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари уларни ўз вақтида ишга тушириш билан бирга қўшимча имкониятлар топиш, озуқа майдонларини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Жумладан, ернинг бир қисмини алмашлаб экиш хисобига, ҳар бир кластерда камидан 500 бошли чорвачилик комплекси ташкил этиш мумкин. Шунингдек, фойдаланишдан чиққан ва янги ерларни ўзлаштириб, чорва бокса бўлади.

Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун 120 миллион доллар кредит сифатида йўналтирилиши, субсидия, боғжона ва солиқ имтиёзлари берилиши қайд этилди.

Мутасаддиларга жорий йил-

да халқаро молия ташкилотларидан 500 миллион доллар жалб этиб, чорвачиликни ривожлантириш лойиҳаларига йўналтириш бўйича кўрсатма берилди.

Президентимиз чорва маҳсулдорлигини ошириш, наслчиликни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Соҳага илм ва илғор тажрибаларни жорий этишга Самарқанд ветеринария медицинаси институти масъул этиб белгиланди. Энди ушбу институт мақоми оширилади ҳамда унга ветеринария, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тажриба институтлари бириктирилади. Бу муассаса кластерларга амалий ва методологик кўмак бериб, пуллик хизматлар кўрсатади, аҳоли ва фермерларни қисқа муддатли курсларда ўқитади.

“Ўзбекчорванас” агентлиги ҳам бир туман кесимида наслчиликни яхшилаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари, тадбиркорлар сўзга чиқди.

Ў.А.

ТАДБИРЛАРДА АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан ҳудудларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари, ўрганиш ва учрашувларда кўпроқ аҳоли вакиллари билан дилдан суҳбатлашиш ва уларни қўйнаётган муаммоларни бартараф этишга эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда Сенатнинг йиғирма учинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушунтирилмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров Андижон вилоятларида ижтимоий объектларда яратилган шарт-шароитлар билан танишмоқда.

Жумладан, улар тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказининг янги биносини кўздан кечириш асосида оғир ижтимоий аҳолига тушган ола-сингилларимизга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатишни маълуми ташкил этиш бўйича тавсия ҳамда таклифларини берди.

Сенаторлар вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказидаги жараёнлар билан ҳам танишди. Шундан сўн улар вилоятда ташкил этилган илк оилавий болалар уйида ҳам бўлди. Андижон шаҳрилик Исломхўжаевлар оиласи 7 нафар болани ўз қарамовига олиб, фарзандлари сони 10 нафарга етказди. Парламент вакиллари ушбу хонадонда болажонлар бекам муолажаматига гувоҳ бўлди.

Ўрганишлар давомида турли муаммолар билан келган фуқаролар қабул қилиниб, уларни қўйнаётган масалалар мутасаддилар билан биргаликда кўриб чиқилди ва жойида ҳал этилди.



ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ОЛДИНГА ҚАРАБ НАТИЖАЛИ ҚАДАМЛАР ҚўЙИШ ЗАРУР

Тошкентда “Ёшлар учун имконият ва ҳуқуқлар: пандемиядан кейинги оқибатлар” мавзусида Ўзбекистон — Буюк Британия ёшлар форуми бўлиб ўтди.

Форум

Анжуман Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Буюк Британиянинг “Global Partners Governance Foundation” (GPGF) нодавлат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Офлайн ва онлайн шаклда иш олиб борган ушбу форумда Ўзбекистон ва Буюк Британиянинг турли ҳудудларидаги йиғит-қизлар, миллий ва хорижий экспертлар, ёшлар масалалари билан шуғулланидиган ташкилотлар фаоллари катнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий мар-

кази директори Акмал Саидов анжуман иштирокчиларини кутлар экан, даътавал, 2021 йил 11 октябрда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Ўзбекистон ташаббуси асосида COVID-19 пандемиясининг ёшлар ҳуқуқларига таъсири тўғрисидаги резолюцияни қабул қилгани ҳақида тўхтади.

Ушбу резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш гоёси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида илгари сурилган. Ҳужжат давлатларни ёшлар учун тенг имкониятлар яратишга, қоронавирус пандемиясининг салбий таъсиридан қайтариш нуктаи назаридан уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашда кўмаклашишга чақиради.



МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ

Ўзбекистонни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади

Ренессанс нима? У қандай тарихий шароитларда юзага чиқади? Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш гоёси қандай мақсад-муддаоларни кўзлайди? Фикр-мулоҳазаларимиз, мушоҳадаларимиз шу ҳақда.

Нуктаи назар

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғвор мақсадларга эришиш йўлида юртимизда таълим, илм-фан раванқини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Бинобарин, агар инсоният илм нури билан бир-бирининг, замондошлари ва келажак давомчиларининг йўлини ёритмаса, зулмат ҳукмрон бўлар эди. Инсон қалбининг нури илм-маърифат билан қувватланади. Инсоният қадри ҳам илм билан ҳосил бўлади. Шу боис илм эгаллаш ва улашишни ҳам бир санъат дейиш мумкин.

Иккинчи уйғониш даврининг мутафаккири Алишер Навоий “Олим керак-

ки, ўз илмининг поя ва миқдорини асрагай, гавҳарни имтиҳон учун тошга урмагай”, дея бежиз эътироф этмаган. Яъни илм аҳли ўз билимини шоғирдлар қалбига жойлаш орқали асрагайдир, илмдан йироқ инсонларга аслини етказиш учун беҳуда вақт сарфламагайдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, **нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.**

Шарқ доғишмандлари қайд этганидек, “Энг катта бойлик — бу ақл-зако-

ват ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!”

Ушбу фикрлар таълим-тарбияга масъул фидойилар учун ўзига хос қаҳриқч вазифасини ўтамоқда. Чунончи, дунёдаги барча цивилизациялар таълим-тарбия тизимидаги юксалиш сабаб камолга етган мутафаккирлар, олимлар, ижодкор зиёлилар меҳнати ҳамда салоҳияти билан юзага чиққан.

Тараққиётнинг тарихий омиллари

Халқнинг асрий орзулари тарихий тараққиётнинг барча даврида миллатнинг етуқ вакиллари амалий ҳаракатларга ундаб келган. Ўзбекистон замини қадимда икки буюк Уйғониш даври, яъни IX — XII асрларда биринчи маърифий Уйғониш ва XIV-XV асрларда теурийлар ҳукмронлиги даврида иккинчи Ренессанснинг эзгу савий-ҳаракатларига бешик бўлган.



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этилади;

хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўллашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга бепул тиббий хизматларни кўрсатиш механизми жорий қилинади.

2022 йил 1 июлга қадар:

иктидорли ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақлари малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда оширилади;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчи ва шифокорларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилади ҳамда малакани баҳолаш услуби асосида адолатли ва шаффоф тизим жорий этилади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.



Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ИҚТГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ ВА УЛАРНИ ҲАМКОРЛИҚДА АМАЛГА ОШИРИШ МИНТАҚАНИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Бош қотиби ва ушбу тузилмага аъзо мамлакатларнинг расмий вакиллари Ўзбекистоннинг ИХТга раислигини қабул қилиши ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилни “Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиш бўйича ташаббуси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хурсав НОЗИРИЙ, ИХТ Бош қотиби:

— Ўзбекистон ташаббусларининг ИХТга аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиши ва уларни ҳамкорликда амалга ошириш минтақаниннг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили шиори остидаги ИХТга раислиги концепциясини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. ИХТ Котибияти Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 28 ноябрь куни Ашхободда бўлиб ўтган ИХТ



саммитида илгари сурган ташаббусларини амалга ошириш учун барча имкониятни ишга солишга тайёр.



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШИ

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш одамларнинг фаровон турмуш кечириши учун жуда муҳим. Зотан, қоронавирус пандемияси, климат ўзгариши, сув танқислиги каби омиллар дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсишига сабаб бўлмоқда.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган чорвачилик соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши шу жиҳатдан гоят долзарблик касб этди.

Дарҳақиқат, бугунги мурраккаб давр дунё микёсида аграр соҳаниннг ўрни ва аҳамиятини яна бир бор

яққол намоён этди. Бинобарин, мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, соҳада янги иш ўринлари яратиш, илғор ёндашувларни жорий этиш энг муҳим масалага айланмоқда.



ТАДБИРЛАРДА АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Бугун юртимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Масалан, тадбиркорлик фаолиятига асосан асосий аҳолининг ўқиб-ўқитилишига йўл қўйилмайдиган ва энг муҳими, қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар қўрилади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг тадбиркорлик ҳолатини молиялаштириш мақсадида имтиёзли кредитлар тақдим этилмоқда. Натижада мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб, аҳоли учун қўшимча янги иш ўринлари яратилмоқда.

Сенатнинг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги ўрганишлари давомида аҳолини сифатида сабабот мақсулотлари билан таъминлаб келаётган хорижий корхона фаолиятини кўздан кечирди.

Мазкур корхона устав фонди 4 миллиард сўмдан зиёда ташкил этилди. 3 қатр майдонда гидропоника усулида помидор маҳсулоти етиш-

тириб, унинг экспорти билан шугулланиб келмоқда. Айни пайтда бу ерда 50 киши меҳнат билан банд.

Шунингдек, сенатор туманининг ижтимоий шарт-шароити ва объектлар, қўрилиш жараёнлари билан танишди. Жумладан, Навобод маҳалласида ҳашар йўли билан барпо этилаётган 250 ўринли мактаб қурилиши жараёни батафсил ўрганилди. Мазкур лойиҳанинг қиймати 3 миллиард сўм бўлиб, айни пайтда 1,8 миллиард сўмлик иш бажарилган. Мутасаддилар томонидан мактаб биноси икки ойдан кейин фойдаланишга топширилиши маълум қилинди.

Бухорода Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров катнашиб, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, барча жаҳада бу иллатга қарши курашиш борасида қилинган ишлар тўғрисида сўз юритди.

Қайд этилганидек, "Коррупциясиз

соҳа" лойиҳасини амалга ошириш натижасида 2020-2021 йиллар давомида соҳада 16 та хизмат тури тўла электрон шаклга ўтказилди. Мамлакат бўйича 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасалари фаолиятига замонавий технологиялар жорий этилди, 423 та бирламчи тиббиёт муассасаси "Электрон поликлиника" ахборот тизимига уланди.

Бундан ташқари, сенатор соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш ва "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг ижросида камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратди. Хусусан, белгиланган вазифаларнинг 44 фоизи тўлиқ ёки қисман бажарилмаган.

Йиғилиш доирасида соғлиқни сақлаш тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича удаланган ишлар, тизимда учраётган коррупциявий жиноятлар таҳлили бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ва вилоят прокурорининг ахборотлари тингланди.

Ўз навбатида, тадбирда соғлиқни сақлаш соҳасида порахўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш каби

ҳолатларга, коррупциянинг барча кўринишига барҳам беришда турли идоралар ва аҳоли орасида тарбиёт ишлари самарадорлигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Ботир Матмуратов Шуманай туманидаги ўрганишлари доирасида бўлиб ўтган тадбирда парламент юқори палатасининг йиғирма учинчи ялпи мажлисида қўрилган қонун ва масалалар юзасидан тушунтириш берди.

Таъкидланганидек, жамият тараққиёти ҳамда мамлакат ривожини қонун устуворлиги қандай таъминланганига боғлиқ. Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси, иқтисодий барқарорликни сақлаш, ижтимоий ҳимояни қўлайитириш, ёш авлод таълим-тарбиясига янада жиддий эътибор қаратиш бу борадаги муҳим вазифалардан саналади.

Йиғилишда "Яшил макон" умумиллий лойиҳаси мазмун-моҳиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Ушбу лойиҳа доирасида ҳудудларда яшил боғлар ва яшил жамоат парклари

ташкил этилади, хиёбонларда, йўллар ва кўчалар четиди, ариқлар ҳамда бошқа ирригация иншоотлари бўйлаб, маҳаллалар ва ташкилотлар ҳудудларида, кўп қаватли уйлар оралиғида, аҳолининг шахсий томорқаларида дарак ва буталар экилади.

Шундан сўнг сенатор иштирокида тумандаги "Мамий" овул фуқаролар йиғинида сайёр қабул ташкил этилди. Фуқаролар муноajatларини ҳал қилиш бўйича масъулларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Ўрганишлар жараёнида сенатор томонидан сугорчи технологиялари жорий этилган бугўдай далаларини кўздан кечирди.

Б. Матмуратов Тўртқўл туманидаги 40-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ёшларнинг илм олиши, спорт билан шугулланиши ҳамда ижодий имкониятларини намоён этишлари учун яратилган шарт-шароитларни ҳам ўрганди. Ўқувчиларга бадиий китоблар совға қилинди.

Тумандаги "Пахтачи" овул фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда эса аҳолининг муноajatлари кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ОЛДИНГА ҚАРАБ НАТИЖАЛИ ҚАДАМЛАР ҚЎЙИШ ЗАРУР

Бинобарин, бугун дунёда ёшлар 2 миллиард нафарни ташкил этмоқда. Бу ақсарият мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам аҳолининг ўсиб бораётган катта қисми ёшлардан иборат, дегандир.

БМТ доирасида ва ундан ташқарида ёшлар масаласи тез-тез муҳокама марказига қўйилмоқда. Аммо глобал ривожланиш даврида олдинга қараб натижали қадамлар қўйиш зарурати мавжуд.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ҳамда ушбу анжуманда иштирок этган GPG фонди эксперти, Буюк Британия Лордлар палатасининг аъзоси баронесса Элисон Сатти ҳамда GPG фондининг Буюк Британиядаги вакили Эйлин Олкер ҳам айни мавзуда фикр юритди.

Шунингдек, тадбирда Буюк Британия ҳамда Шимолий Ирландия Кириллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулдада ва муҳтор элчиси Тим Торлот, Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ҳамда Шимолий Ирландия Кириллигидаги Фавкулдада ва муҳтор элчи-

си Саид Рустамов сўзга чиқди.

Анжуман иши учта сессияда ташкил этилди. Жумладан, "Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқларининг таъминланиши" мавзусидаги биринчи сессияда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ёшлар ишлари агентлиги, "Оқсалиш" умумиллий ҳаракати, Ёшлар парламенти вакиллари сўзга чиқди.

Иккинчи сессияда "Пандемиянинг ёшлар ҳуқуқларига таъсири: Ўзбекистон ва Буюк Британия тажрибасида" мавзусига тааллуқли масалалар муҳокама этилди. Унда Шотландия ёшлар парламенти раиси Лиам Фовлей, Уэлс ёшлар парламенти собиқ аъзоси Чарли Оливер-Холланд ҳамда Ўзбекистондаги U-Perot лойиҳаси раҳбари Жамила Нуржанованинг чиқишлари тингланди.

Шу билан бирга, "Сийсий жараёнлар ва қонунчиликнинг ёшларга таъсири" деб номланган учинчи сессияда Буюк Британия ҳамда Ўзбекистон экспертларининг фикр-мулоҳазалари атрофида муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Мушоҳада ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИККА ЯНГИЧА СУРЪАТ БАҒИШЛАЙДИ

Шу йил 4-5 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида XXIV кишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимига иштирок этди.



Ташриф давомида давлатимиз раҳбари Хитой ва Покистон давлатлари раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди. Жумладан, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашувда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди. Айни чоғда Ўзбекистон ва Хитой алоқаларининг жорий ҳолати юқори баҳоланди ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, томонлар кимё тармоғи, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа устувор йўналишларга доир юқори технологик лойиҳалар, "яшил иқтисодиёт", сунъий интеллект, рақамлаштириш ва электрон савдо соҳаларидаги ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, мутаносиб товар айирбошлашга эришиш, фаол ҳудудлараро алмашинувларни қайта тиклаш ва самарали транспорт йўлакларини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, анъанавий тиббиёт, туризм, таълим, маданият, санъат соҳаларидаги ҳамкорлик дастурини кенгайтириш ҳамда камбағалликка ва коррупцияга қарши курашиш борасида Хитой тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олдилар. Халқаро ва минтақавий кун тартибидagi масалалар ҳам муҳокама қилинди, жумладан, Афғонистонда тез фурсатда тинчлик ўрнатилишига ва иқтисодий тикланишга қўмаклашиш масаласи кўриб чиқилди.

Ҳар икки давлат раҳбарлари учрашувининг аҳамияти ҳақида ушбу мамлакатнинг таниқли экспертлари томонидан нуфузли оммавий ахборот воситалари орқали билдирилган фикрлардан кўришимиз мумкин. Хитой томони Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги ҳар томонлама етакчи давлат ҳамда муносаб ҳамкор сифатида қарамоқда.

Хитой Ўзбекистонни "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси доирасида Хитой — Марказий Осиё — Фарбий Осиё савдо йўлига барпо этишда минтақадagi асосий ҳамкори, деб белгилди. Ўзбекистон ҳам бу лойиҳанинг амалга оширишдан манфаатдор. Чунки бу инфратузилма, аввало, минтақадa коммуниқацияни ривожлантиради. Муҳими, мамлакатимизда экспорт товарларини шу йўл орқали Фарбий Осиё ва Европага олиб чиқиш имконияти пайдо бўлади. Қолаверса, ишлаб чиқариш кўпайиши натижасида иш ўринлари яратилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Пекинга ташрифи давомида Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан ҳам учрашди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон ва Покистон ўзаро алоқалари жуда узок тарихга бориб туташади. Покистон Ўзбекистоннинг Жанубий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорларидан бирidir.

Ушбу мулоқотда, асосан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, хавфсизлигини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг Покистондаги Карачи портига чиқишини таъминловчи Термиз — Муриш-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қозир лойиҳасини илгари суриш борасидаги амалий ишларни давом эттириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Эътиборли томони шундаки, мазкур лойиҳа Ўзбекистон экспортини 2 миллиарддан зиёд аҳолиси мавжуд улкан салоҳиятга эга бозорга йўналтиради. Шу билан бирга, минтақадa ижтимоий ва иқтисодий инфратузилма ривожланиши натижасида ижтимоий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш имкони кенгайди.

Муктасар айтганда, бу учрашувларда эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка янгича суръат бағишлаши, шубҳасиз.

Абдугани САНГИНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



ҲАЙДОВЧИЛАР ҲУШЁРЛИКНИ УНУТМАСЛИГИ КЕРАК

Бугунги кунда мамлакатимизда деярли ҳар бир хонадонда биттадан энгил автомашина бор. Бу қувонарли ҳолат, албатта. Лекин республикамиз йўлларидa транспорт воситаларининг кўпайгани ўзига хос масалаларнинг ечимини талаб этмоқда. Бу борада тўпланиб қолган бир қатор муаммо ва камчиликлар борки, бундан кўз юмиб бўлмайди.

Акс садо

Кейинги йилларда нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларимизга олиб борадиган йўллар қайта таъмирланиб, транспорт воситалари раван ҳаракатланиши учун зарур қўлайликлар яратилди. Юрдошларимизнинг манзилларига соғ-саломат етиб боришлари учун йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан қатор тизимли чора-тадбирлар кўрилди. Аммо шунга қарамай, йўл ҳаракати хавфсизлиги борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.



Ачинарлиси, автомобиль бошқарувиға ўтирган ҳайдовчилар ҳушёрлигини унутиб қўйиши натижасида йўл-транспорт ҳодисалари кўпайиб кетмоқда.

Президентимиз раислигида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида йўл-транспорт ҳодисалари кўп содир бўлаётган ҳудудлар кўрсатиб ўтилиб, мутасаддиларга интизомий жазо чоралари белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг бу йўналишдаги ишларини ҳам

гиларини ишлаб чиқаришда "Автойўл"нинг монополияси бекор қилинади ва ушбу соҳага тадбиркорлар жалб этилади.

Ўртимизда автотранспорт воситалари йўлдан-йўлга кўпайиб, ҳайдовчиларнинг малака даражаси ва ўзаро ҳурмати, ақсинча, пасайиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, йўл-транспорт ҳодисаларининг 75 фоизини 35 ёшгача бўлган ҳайдовчилар содир этган. Автоматлашларда ўқитилаётган китоблар гализ, ўқув дастури эскича.

Йиғилишда муаммолар очик-ойдин таҳлил қилинди. Бундай мактабларда таълим сифати назорати Ички ишлар вазирлигига юклатилди. Автоматлаш ва имтиҳон марказларига бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш, ҳайдовчиларга ўқитиш самарадорлиги ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Кўчалардаги ҳаракатни ҳайдовчи ва пйёдалар учун қўлай ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берилиб, йўлларда тартиб-қоидалар илм билан ҳамоҳанг бўлиши кераклиги айтилди. Бу борада йирик шаҳарлардаги марказий кўчаларда тезлик чекловларини оқилона белгилаш мақсада мувофиқдир.

Кўп ҳолларда фуқароларимиз йўл ҳаракати қоидаларини бузганилик учун тайинланган жари-

маларга эътирозлар билдиради. Жарималарнинг катталиги, буни тўлаш учун аҳолининг қурб етмаслигини айтилади. Лекин баъзида ҳайдовчиларнинг ҳушёрлигини унутиб, йўл қоидаларига амал қилмаслиги йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишига олиб келаятгани ҳақида негадир кам гапирилади. Агар барчамиз виждек қонунарга, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларига амал қилсак, ортиқча жари-ма тўлашга ҳам ҳожат қолмайди.

Қонунчилик палатаси ва мутасадди идораларга йўл ҳаракати оид қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, тубдан такомиллаштириш вазифаси қўйилдики, парламент қўйи палатасидagi УэЛиДеП фракцияси бу масалага сидқидиддан ёндашад.

Зеро, тилга олинган масалаларни тўла ҳал қилиш учун, аввало, ҳуқуқий асослар мукаммал бўлмоғи лозим.

Умуман, ҳар битта йўл-транспорт ҳодисаси ортида бир эмас, ўнлаб инсонлар тақдирини ётади. Соҳадagi муаммоларни эса ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг қонунга итоаткорлиги ҳамда ўзаро ҳурмат бўлишини ошириш орқали ҳал этиш мумкин.

Актам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

ҲУДУДИЙ БРЕНД МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Негаки, юртимизнинг жаҳонга интеграциялашувида интеллектуал мулк энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу боис ҳам бугун интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизими тақомиллаштириляётир. Бу борада Президентимизнинг шу соҳага доир Фармон ва қарорлари, шунингдек, Ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, уларда белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда.

Фикр

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 28 январдаги қарори билан тасдиқланган интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича "Йўл харитаси" ҳаётга таъбиқ этиляётир. Мазкур "Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ҳамда "Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида "Географик кўрсаткичлар тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Сенатининг

қонунда фақат 4 та товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилган, шулардан 2 таси маҳаллий ("Bagizagan" Самарканд вилояти, "Shorfoq" Наманган қанди), 2 таси хорижий ишлаб чиқарувчиларга тегишли.

Ўрганишлардан маълум бўлдики, маҳаллий юридик ва жисмоний шахслар томонидан 18 минг 200 дан ортиқ товар ва хизмат кўрсатиш белгилари рўйхатдан ўтказилган. Лекин амалдаги норматив-ҳуқуқий база маълум бир ҳудудга хос маҳсулотларни, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги ва ҳўнармандчилик маҳсулотларини оммалаштириш ва ривожлантиришда ҳуқуқий кафолат бўла олмаётгани. Натижада мамлакатимизда ҳудудий

брендлар ривожланмасдан қолганди. Халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган "Географик кўрсаткичлар тўғрисида"ги қонунда ана шу масалаларнинг ҳуқуқий ечимлари кўрсатиб берилган.

Қонунда илк мартаба "Географик кўрсаткич" тушунчасига таъриф берилиб, товар сифати, ном қозониши ёки бошқа хусусиятлари кўп жиҳатдан унинг географик келиб чиқишига боғлиқ бўлган товарнинг маълум бир географик объект ҳудуддан келиб чиқишини белгилайдиган белги сифатида таърифланган.

Шунингдек, товар хусусиятлари шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатувчи товар ишлаб чиқариш жараёнининг камда бир қисми мазкур географик объект ҳудудида ўтилиши шартлиги белгиланмоқда.

Қонунда географик кўрсаткичи товарини ишлаб чиқаришга талабномалар (аризалар) берилиши мумкин бўлган юридик шахслар рўйхати белгиланилмоқда. Географик кўрсаткич, қоида тариқасида, ишлаб чиқариляётган товарни бел-

гилаш учун номи қўлланиладиган мазкур географик объектда жойлашган бир нечта юридик ёки жисмоний шахсларнинг талабномасига биноан рўйхатдан ўтказилиши мумкинлиги, истисно тариқасида эса бошқа манфаатдор шахслар бўлмаган тақдирда битта юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказишга доир талабнома бериш мумкинлиги белгиланмоқда.

Қонун ўзининг ноёб маҳсулоти учун белгичи рўйхатдан ўтказишни хоҳловчи ишлаб чиқарувчилар сони кўпайишига, асосийси, минтақавий брендларни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ишлаб чиқарувчилар географик кўрсаткич билан ҳимояланган қўшимча қий-матга эга ўз маҳсулотларини маҳаллий ва хорижий бозорларга олиб чиқишига кенг имконият яратяди.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ИХТГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ ВА УЛАРНИ ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИШ МИНТАҚАНИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Дария ОРС, Туркиянинг ташкилотдаги доимий вакили, элчи: — Пандемиядан кейинги даврда ИХТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни ривожлантириш ва мустақамлаш ИХТнинг жуда муҳим ҳамда долзарб



кун тартибидир. Шу нуқта назардан, Ўзбекистон Президентининг ИХТда

2022 йилни "Ўзаро узвий боғлиқлиқни мустақамлаш йили" деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлайман. Ишончим комилки, Ўзбекистон раислиги даврида ИХТ барча соҳада "Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти истиқболлари — 2025" концептуал дастурига мувофиқ белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун тез суръатларда ҳаракат қилади.

Аҳмад ҚУРБОНОВ, Туркманистоннинг ташкилотдаги доимий вакили, элчи: — Ўзбекистоннинг 2022 йилда ИХТга раислиги тузилма нуфузини оширишга ва ташкилот фаолиятини кенгайтиришга ҳисса қўшади, деб ҳисоблайман. Шунингдек, ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни мустақамлаш



орқали ИХТнинг халқаро майдондаги обрўси ошади.

Эслатиб ўтаман, жорий йил 7 февраль кунини Эрон пойтахтида Ўзбекистон раислигида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Доимий вакиллари кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ИХТ тартиботига мувофиқ, Ўзбекистоннинг Эрондаги элчиси Баҳодир Абдуллаев ташкилот Доимий вакиллари кенгаши раиси вазифасига тасдиқланди.

«Дунё» АА. Техрон

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШИ

Шунинг учун юртимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, фермер, кластер ҳамда кооперацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ аҳамият берилляпти.



ақинлар ҳажми ҳам, уларнинг уруғлиқларини етиштирувчи фермер ҳўжалиқлари сони ҳам кўпайтирилади.

Қишлоқ ҳўжалиги тармоғига бозор механизмлари, жумладан, агрокластер тизимининг жорий этилгани қисқа фурсатда ўзининг ижобий самарасини бераётди. Айни пайтда чорвачиликда насликликни яхшилаш, зотдор чорва молларини кўпайтириш, иختисослаштирилган фермер ҳўжалиқларини раванк топтириш, ушбу соҳага давлат томонидан субсидиялар ажратиш бўйича салмоқли ишлар бажарилмоқда. Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш халқимизни арзон ҳамда сифатли гўшт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришда муҳим ўрин тутади. Лекин ҳудудлардаги ишларнинг ҳозирги ҳолати чорвачилик тармоғи қорхоналарини қўллаб-қувватлаш, озуқа базасини кўпайтириш, насликлик ва сўний уруғлантиришни ривожлантириш, насликлик ҳўжалиқлари моддий-техника базасини мустақамлаш борасида комплекс чоратadbirlари қўллашни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан, 2022 йил 8 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент қарори бўлиб, озуқа муҳим ҳўжат бўлди.

Қарор билан тасдиқланган дастурда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, чорвачилик ва унинг тармоқлари озуқа базасини мустақамлаш, озуқа ишлаб чиқариш салоҳиятини кўпайтириш каби йўналишларда устувор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда сўт ишлаб чиқариш ҳажми 11,5 миллион тоннадан 22 миллион тоннага, аҳоли жон бошига эса 336 килограммдан 560 килограммга оширилади. Қорамол гўшти ишлаб чиқариш (тирик вазнда) 1 980 минг тоннадан 2 864 минг тоннага, қўй ва эчки гўшти 400 минг тоннадан 650 минг тоннага, аҳоли жон бошига эса 47,5 килограммдан 69,4 килограммга етказилади. Асосий озуқабоп

Паррандачилик маҳсулотлари турларини кўпайтириш мақсадида қурқаччилик, беданачилик, гоз ва ўрдақчилик йўналишларини омаллаштириш чоралари кўрилади. Яна бир маълумот. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг ўзида чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш учун Жaxon банкиннинг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари жалб этилади. Дастурнинг ўз вақтида ҳамда самарали ижроси устидан эса парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Умуман, дастур асосида қилинажак ишлар талайгина. Уйлаймики, уларнинг самараси ҳам узоқ тўтирмайди. Зеро, рағбат ҳар қандай соҳа тараққиётида муҳим ўрин тутади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг арзан ва етарлиги халқ розилигининг асосий омилларидан бири. Шу маънода, ушбу қарор ички истеъмол бозорини гўшт, сўт, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтиришга замин яратяди.

Тўлқин ШАМСИДИНОВ, Ташкент давлат аграр университети мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети декани, биология фанлари номзоди.

ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛИ ҲИМОЯСИ



Кейинги беш йилликда амалга оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, ушбу даврни ҳеч иккиланмасдан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг янги даври, деб аташ мумкин. Боиси суд ҳимоясини таъминлашда ортқча бюрократик тўсиқлар ва суд тизимида мавжуд бир қатор камчиликларни бартараф қилиш, мазкур соҳани ислоҳ этиш борасида дадил қадамлар қўйилди. Тизимга оид қонунчилик базаси тубдан такомиллаштирилди.

Суд тизими

Ислохотлар тўғрисида фуқаролар, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиши даражаси ошди. Ҳақдор бўлишнинг янги йўналишлари мавжуд бўлиб, қонунчилик базаси тубдан такомиллаштирилди. Ишончим комилки, Ўзбекистон раислиги даврида ИХТ барча соҳада "Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти истиқболлари — 2025" концептуал дастурига мувофиқ белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун тез суръатларда ҳаракат қилади.

бузилганда, уларни маъмурий суд томонидан самарали ҳимоялашга тўсиқлик қилувчи бир қатор омиллар мавжудлиги инobatта олиниб, маъмурий суд иш юритувини халқаро стандартларни инobatта олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида шу йил 29 январь кунини "Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чоратadbirlари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор маъмурий суд ишларини юритишнинг замон талабларига мувофиқлаштиришда, шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кўчайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳужжатда маъмурий суд ишларини юритишнинг "суднинг фаол иштироки" тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юқлаш, ҳуқуқ бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш назарда тутилди.

Хориж давлатларининг қонунчилигига мурожаат этадиган бўлсак, айнан шу каби норма Қозғистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 14-моддаси, Озарбайжон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 12-моддаси, Грузия Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 19-моддасида ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Маълумки, амалдаги қонун ҳуж-

Мазкур масала ўта долзарблиги, шу билан бирга, судга мурожаат этишнинг шартли овозгарчилигининг олдини олиш мақсадида Олий суд раислиги томонидан "Йўл харитаси" тасдиқланган бўлиб, унинг тегишли бандида ҳудудларда асосий равишда ишларни бир суддан иккинчи судга юбориш ҳолатлари бўлиб қўйилган, бироқ бугунги кунга қадар бунинг аниқ механизми процессуал қонунлар билан тартибга солинмаган эди.

Статистик маълумотларга кўра, биргина Ташкент туманлараро иқтисодий суди томонидан судга тааллуқли эмаслиги асоси билан 2019 йилда 332 та, 2020 йилда 395 та, 2021 йилда эса 407 та даъво аризасини қабул қилиш рад этилган бўлса, иш судга тааллуқли эмаслиги асоси билан 2019 йилда 83 та, 2020 йилда 196 та, 2021 йилда 179 та даъво аризаси юзасидан иш юритиш тугатилган.

Қарордан келиб чиқиб процессуал қонун ҳужжатларига ушбу масалани қўллаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи кўшимча ва ўзгартиришлар киритилади ҳамда келгусида судлар фаолиятида "ягона дарча" тартиби жорий этилиши фуқаро ва тадбиркорларнинг судлар ўртасида сарсон бўлишига батамом чек қўяди.

Қарордан келиб чиқиб процессуал қонун ҳужжатларига ушбу масалани қўллаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи кўшимча ва ўзгартиришлар киритилади ҳамда келгусида судлар фаолиятида "ягона дарча" тартиби жорий этилиши фуқаро ва тадбиркорларнинг судлар ўртасида сарсон бўлишига батамом чек қўяди.

Мухтасар айтганда, қарорда суд тизимини янада ислоҳ қилиш билан боғлиқ ўта муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг судга ишончини мустақамлаш, манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда фоят муҳим ўрин тутади.

Сарвар СОЛИЕВ, Ташкент туманлараро иқтисодий суди раиси.

ЭЪЛОН

Mulkchilik shaklidan qat'i nazar, barcha korxonalar, tashkilot va muassasalar rahbarlari diqqatiga!

O'ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI

rektorati 2021/2022 o'quv yilida bakalavriyat ta'lim yo'nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo'yicha bitiruvchilarni hamkorlik shartnomalari asosida ish joylariga taqsimlash jarayoni boshlanganligini ma'lum qiladi. Universitetning zamonaviy bilimlarni mukammal o'zlashtirgan bitiruvchi bakalavr va magistratlariga ehtiyoji bo'lgan korxonalar rahbarlaridan bitiruvchilarga kelgusidagi ish joyini talashida ko'maklashish maqsadida ularga yaratib berilishi mumkin bo'lgan imkoniyatlar (maosh, turarjoy bilan ta'minlash va boshqa imtiyozlar) haqida universitet rahbariyatiga joriy yilning 15 martigacha qadar talabnoma hamda so'rov xati bilan murojaat qilishingizni so'raymiz.

O'zbekiston davlat jahon tillari universitetini 2021/2022 o'quv yilida bitiruvchilar bakalavr va magistratlar haqidagi ma'lumotlar: (g — davlat granti asosida, sh — shartnoma asosida):

Ma'lumot uchun telefonlar: 90-178-45-70; 99-832-09-34 Manzilimiz: Toshkent shahri, 100138, Kichik halqa yo'li, G-9A mavzesi, 21-uy.

Table with columns for faculties (Bakalavr, Magistratura), languages (Filologiya va tillarni o'qitish, Lingvistika), and regional distribution. Rows list various faculties like Shahar (tuman) va viloyatlar, Andijon viloyati, Buxoro viloyati, etc., with columns for different languages and their respective student counts.

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ

Ўзбекистонни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади

Шарқ ва Ғарб олимлари эътироф этганларидек, Европада XV—XVII асрлар орасида юзага келган биринчи Ренессанс юртимизда ундан бир неча юз йил аввал, яъни IX—XI асрларда рўй берган. Ушбу улкан юксалиш содир бўлишининг ўзига хос сабаблари бор. Мазкур даврда давлат тараққиёти учун жуда муҳим бўлган янги ислохотлар ва қонунлар жорий қилинди, ер-сув, қўшничилик муносабатларидан солиқларгача туб янгиланишлар содир бўлди. Давлат юртидаги ва сиёсатдаги янгиликлар илм-фан кишиларини эзгу ғоялар атрофида бириктирди, математика, астрономия, кимё, тиббиёт, ҳуқуқ, геодезияга қизиқиш кучайди. Жумладан, дунё тўғрисидаги ҳақиқатларни назарияларга айнан ўша даврда асос солиниганини кўришимиз мумкин.



Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Кошғарий, Махмуд Замашшарий, имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотуридӣ, Абул Мун Насафий каби буюк аждодларимиз серқирра истеъдод соҳиблари бўлиши билан бир қаторда, ўз фанлари бўйича бутун оламга устозлик мақомига эришдилар. Мазкур давр дунё тараққиётининг юксалиш тамойилларини белгилаб берди. Хоразмида барпо этилган Маъмур академияси бунинг ёрқин далилидир. Даҳо мутафаккирларни жаллаган буюк олимлар нафақат ўз минтақаси, балки бутун дунё учун акселератор вазифини ўтагани ҳам айни ҳақиқат.

Илм-фан равнақи — давлат қудрати

Айтиш жоизки, биринчи маърифий Уйғонш иккинчи Ренессанснинг маънавий пойдевори сифатида хизмат қилган. Сохибқирон Амир Темури бобомизни жаҳон саҳнасига олиб чиқди ва теурилар Ренессанси, иккинчи Уйғонш даври ғоялари ва халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига кучли таъсир қўрсади.

Улуғ бобомиз сохибқирон Темури нафақат минтақамизда, балки жуда катта жуғрофий ҳудудларда сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширган. У зот туфайли қудратли марказий бошқарувага асосланган давлат ва янги маданий-илмий юксалиш учун қулай вазиет юзага келди. Ўз бепоён салтанатининг катта шаҳарларига турли ҳудудлардаги истеъдодли олимлар, шоирлар, ҳунармандлар, мезморларни жамлади ва илм-фан тараққиёти учун керакли барча шарт-шароитни яратиб берди. Бундай оқилона сиёсат мамлакатнинг илмий ва маданий қудратини кучайтирди.

“Илм маданиятининг олтин асри” деб аталган иккинчи Ренессанс даврида фазо илми, математика, адабий фанлари ҳам юксак даражада ривожланди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Кошиқ, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Сақокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар май-

донга чиқди. Уларнинг асарлари ва фаолиятида ўз талқинини топган одил подшо, адолатли жамият, комил инсон ғояси ҳаётга ҳам кўчди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Ҳондამир каби тарихчилар, Камолддин Бехзод, Махмуд Музаффиб сингари мусаввирлар, кўплаб татто ва соҳна-шарҳларнинг шухрати дунёга ёйилди. Бу даврда ҳам мамлакатга илм ўрганиши истовчилар бутун дунёдан ййгилиб келдилар.

Шонли тарихимиздаги ҳар иккала Уйғонш даврида ҳам энг муҳим жиҳат — давлатнинг, давлат раҳбарининг юксак эътибори бўлиб келган. Маъмур академиясининг барпо этилишида хоразмиёх Маъмурийлар сулоласининг, иккинчи Уйғонш даврининг юзага келишида эса буюк бобомиз Амир Темури ва теурилар авлодларнинг ҳиссаси беқийёсидир. Ҳар икки сулола ҳукмдорлари ўз даврининг ёрқин истеъдодлари, олимларини давлат қаноти остига тўғилган ва ғамхўрлик қилиб, керакли шарт-шароитларни яратиб бергани учун тарихан қўсқа давр ичиди она юртимиз дунё илм-фанига пойдевор бўлулик буюк кашфиётлар бешигага айланди.

Тарихга назар солисак, утган асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз “жадидчилик”, яъни янгилик ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзлики англаш ғоялари остида майдонга чиққанлар. Бу улуғ зотларнинг мақсади — бирмунча вақт жаҳолат ва қолоқлик ғирдобига қолиб келган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илгор касб-ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат эди. Жадидалар томонидан ташкил этилган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, таъсис этилган газета ва журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқига юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизни неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотди, миллий озоқлик ҳаракати учун беқийёс куч берди. Афсуски, юртимизда болшевиклар диктатураси ўрнатилиб, қор мустанлақчилик сиёсати янгича шаклда давом этирилгани маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермади. Лекин уларнинг эзгу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қонига сингиб, тарихий хотира-сида сақланиб қолди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан ҳақорат айланган буроятган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида ана шундай улуғ аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғонш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз...**

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғонш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Президентимиз тилга олган учинчи Ренессанс ғояси давлатнинг, халқимизнинг, ёшларнинг, ота-оналар ва устозларнинг орзу-истакларини бириктиради. Муҳими, бу аждодлар таърибаси сифатида давлат раҳбарининг иродаси ва ташаббуси, унинг илм-фанга бўлган ишончи ва ғайрати ўлароқ қатъий даъват сифатида янгради. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг истеъдоди юзага чиқишини, эл-юртга хизмат қилади-ган етук инсон бўлиб улайишини хоҳлайди. Шундай экан, давлат, ёшлар ва ота-оналарнинг орзу-истаклари муштаракдир. Тарих, бугун ва келажакни бириктирувчи ҳаётбахш ғоя бўлгани учун ҳам давлатимиз раҳбари учинчи Ренессанс масаласини миллий ғоя сифатида кўтарди.

Таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистонни барпо этиш шунчаки хоҳиш-истакки эмас, туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатдаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиетнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

2022 йил 28 январда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда

мизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, миллий (рақамли) иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суъятларини замон талаблари даражасида таъминлаш, юрт ҳавфсизлиги ва мудоффа саложиятини кучайтириш, очик ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган устувор йўналишдаги масалаларни қамраб олади. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш, маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқинга олиб чиқиш, умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш шулар жумласидандир.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган **“Биз Янги Ўзбекистонни мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз”** деган улуғвор ният, **“Жамият — ислохотлар ташаббускори”** ёндашуви, **“Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуғ”** эзгу ғояси, **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”** ва **“Давлат — инсон учун”** деган ҳаётбахш тамойиллар бугунги ислохотларни ҳаракатлантирувчи куч ва дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистоннинг кучли асос ва омилларидир.

Юртимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда биз, зиёлиларга қатъий ишонч билан қаралмоқда, илмий, ижодий изланишларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, зарур шартитлар юзага чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини янада ривожлантириш ва янги сифат босқинига кўтариш бўйича улкан ишлар олиб борилади. Беш йилда 50 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилди. Таълимнинг бақлавариат, магистратура ва сиртки шакллари учун квоталар оширилиб, кечки таълим шакли жорий қилинди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бу борадаги ишларни изчил давом эттиришга қаратилган қатор мақсадлар белгиланган. Зотан, барча жаҳондаги ислохотлар умумий мақсадни кўзлайди. Таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, истиқболли дастурлар — барчаси тараққиётга, миллий Уйғоншга шариот, муҳит яратди. Учинчи Ренессанс эса Ўзбекистонни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқди.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,
Кўк университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР



ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШДА ЯНГИ ТИЗИМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг янгидан қурилган қабул-диагностика бўлими ўз фаолиятини бошлади.

— Бўлимни қуриш учун 18 миллион сўм бюджет маблағи, замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар хариди учун 3 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфланди, — дейди Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Даврон Тўлаганов. — Мазкур муассасада юртимизда биринчилардан бўлиб “Emergency department” тизими асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Янги кўрсатма “шок” палатаси — “қизил зона”, қузатув палатаси — “сарик зона” ва мутахас-

силар кўриги хоналари — “яшил зона”лар ташкил этилди. Бу дегани, энди оғир касалларни тўғридан-тўғри — “шок” палатасига, мутахассислар кўригига келганлар “яшил зона”га, шифокорлар қузатувидагилар эса йўналиш бўйича махсус хоналарга йўнатилилади. Муассасанинг очилиш тадбирида Жиззах вилояти ҳокими Э. Солиев, соғлиқни сақлаш вазири Б. Мусаев ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ГЭС ИШГА ТУШИРИЛГАНИГА 74 ЙИЛ ТЎЛДИ

Нурчилар шаҳри — Шириндаги “Фарҳод” гидроэлектр станцияси (ГЭС) мамлакатимиздаги тарихий энергетика корхоналаридан бири.

Унинг қурилиши Иккинчи жаҳон уруши даврида, яъни 1943 йил 10 февралда бошланган. Орадан роппа-росса беш йил ўтиб, 1948 йилнинг 15 февралда ишга туширилди. Айтиш жоизки, қурилишида юртимизнинг даярли барча ҳудуди вакиллари қатнашган мазкур гидроэлектр станцияси Сирдарёнинг ўрта оқимида, “Фарҳод” гидроузелида жойлашган.

Узоқ йиллардан буён тўтовсиз ишлаб келаётган ГЭС ускуналари ҳар жиҳатдан эскириш натижасида унинг ток ҳосил қилиш қуввати пасайган эди. Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги “2017 — 2021 йилларда гидроэнергети-

кани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорига асосан мазкур корхонани модернизация ва қайта техник жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Натияжада электр ишлаб чиқариш ҳажми 114 МВтдан 127 МВтга ўсди.

Айтиш лозимки, ушбу ГЭС атрофи ҳақиқий энергетика худудига айланмоқда. Негаки, айни дамда “Фарҳод” ГЭСи ҳамда Марказий Осиёдаги энг йирик Сирдарё иссиқлик электр станцияси яқинида буғ-газ электр корхонаси ҳам қурилмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

УЙЧИДА МИНГ ЁШЛИ ТУТ БОРЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Одатда умрбоқий дарахтлар хусусида гап кетганда, дарров чинор эсланади. Қарангки, табиатда узоқ умр кечиришда ундан қолишмайдиганлари ҳам кўп экан.

Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Боягон маҳалласи қабрисити худудига савлат тўкиб турган Самарқанд тути бунга мисол.

Авлодлар оша ўтиб келган маълумотларга қараганда, унинг ёши ўн асрдан зиёд. Айтишларинча, ушбу дарахтни узоқ йиллик тарихга эга қишлоққа номи берилган Боягон исмли киши ўтказган экан.

Файзообод маҳалласида яшаб турган тўрт тул чинорни ҳам маҳаллий аҳоли кўз қорачиқдек асраб келади. Ёзувларда улар 1870 — 1880 йилларда экилгани қайд этилган.

— Қаҳрамон маҳалласидаги бир ярим асрдан буён яшаб келаётган икки тул чинор ҳам



ота-боболаримиздан ёдгорлик, — дейди Уйчи тумани экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими раҳбари Шерзод Умрзоқов. — Уларнинг барчаси махсус рўйхатга киритилиб, парвариши қатъий назоратга олинган.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Банк миқозлари диққатиға!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

бошқарувининг 2022 йил 14 февралдаги 16/2-сонли қарорига асосан, банкда амалга оширилаётган трансформация жараёни доирасида миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Бухоро минтақавий филиали амалиёт бўлими, Тўқимачилик ва Қоровулбозор филиалларини «Ягона МФО» технологияси асосида Амалиёт бошқармасига ўтказилишини ҳамда ушбу филиаллар негизда Бухоро минтақавий филиали, Тўқимачилик банк хизматлари маркази ва Қоровулбозор банк хизматлари маркази ташкил этилишини маълум қиламиз.

Бухоро минтақавий филиали амалиёт бўлими, Тўқимачилик ва Қоровулбозор филиалларининг миқозлари, ташкилот ва идоралар мазкур филиаллар билан боғлиқ банк хизматлари ва бошқа муносабатларни давом эттириш учун хизмат кўрсатувчи тегишли филиалга муурожаат этишлари ёки қуйидаги телефон рақамларига кўнғирок қилишларини сўраймиз.

Бухоро минтақавий филиали амалиёт бўлими:
(+99865)-223-19-48, Шерзод Ҳайдаров
90-298-64-00, Неъмат Аминов 91-407-19-85.
Тўқимачилик филиали:
(+99865)-223-86-53, Хуршид Норқулов
94-711-00-26.
Қоровулбозор филиали:
Ҳаёт Раҳмонов 94-711-15-69.
Алоқа маркази: 1180 ёки 71-200-43-43.

ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИНИНГ ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАРНИ ВА ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ЖАМҒАРМА ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АГЕНТЛИГИ

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган «Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш Миллий лойиҳаси, 2-босқич» доирасида ўтказилаётган «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги (9 та) сув хўжалиги ва мелиорация коллежларининг сув тежовчи сугорих технологиялари ўқув-лаборатория устaxonалари ва ўқув-наомийш участкаларини жиҳозлаш учун ускуналар етказиб беришга» ITQ/NWRMP-2022-6 танловини эълон қилади.

Танловда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ махсус ускуналарни етказиб бериш таърибасига эга бўлган маҳаллий ташкилотлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танловда катнашиш истагида бўлганларнинг ёзма аризасида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим. Ташкилотнинг тўлиқ номи, почта манзили, телефон рақами, электрон почта манзили, фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда масъул шахснинг электрон почта манзили.

Танловда иштирок этишга доир тўлиқ ҳужжатлар тўплами электрон почта орқали йўланади (унинг йўқлиб қолиши ёки кечикиб келиши эҳтимоли учун агентлик жавобгар ҳисобланмайди).

Танловда катнашиш таклифлари солинган ва муҳрланган конвертлар 2022 йилнинг 14 март куни Тошкент вақти билан соат 15.00 га қадар танлов ҳужжатларида қайд этилган манзилга тақдим қилиниши шарт.

«IMKON-SUG'URTA»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНING СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, «Imkon-Sug'urta» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги суғурта компаниясининг ягона таъсисчиси томонидан 2022 йил 11 февралда ўтказилган ййгишли қарорига асосан, компанияни акциядорлик жамиятига ўзгартириш (қайта тузиш) йўли билан ташкил этилганлиги ҳамда унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи «Imkon-Sug'urta» акциядорлик жамиятига ўзгартирилганлиги, шунингдек, 2022 йил 11 февралда қайта давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълум қилинади.

«Imkon-Sug'urta» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги суғурта компанияси билан суғурта қилдирувчилар ўртасида ҳозирги кунга қадар тузилган барча шартномаларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис «Imkon-Sug'urta» акциядорлик жамияти ҳисобланади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 639 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қилаб олиш учун QR-коднинг телефони орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЎМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУДАЛФАГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаххўх — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.03 Тошшириди — 23.15 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши